

**ОЛИМ ҒАҒУРОВ**

# **АСМА УЛ-ҲУСНА**

**Ёхуд**

**ТАБАРРУҚ ИСМАЛАР**

**II**

**ҚИСМ**

**«ЖАҲОН АДАБИЁТИ»  
кутубхонаси**

**ОЛИМ ҒАФУРОВ**

**АСМА УЛ-ҲУСНА  
ЁХУД  
ТАБАРРУК ИСМЛАР**

**Иккинчи қисм**

**Амир ФАЙЗУЛЛА  
таржимаси**

Исмлар маъноси ҳақидаги китоблар жумҳурият нашриётларида илгари ҳам чоп этилган китобхонларга сир эмас. Аммо исмларнинг (гарчи ёптасига бўлмаса-да) чуқур тарихи ҳақидаги салмоқли асар ҳамон ноёб бўлиб турибди. Таъқиқли шарқшунос олим Олим Фафуровнинг қўлингиздаги китоби ушбу талабни қисман қондиришга хизмат қилиши шубҳасиз. Лавҳаларда келтирилган тарихий, диний ва фалсафий далил ва мушоҳадатлар ўзининг аниқ ва дўндалиги билан эътиборга сазовор.

\* **МАВЛОН.** Бу исм ўрта аср мусулмонларининг **мавлоно** (**маулана**) унвонига бориб такалади ва арабчадан таржимада "бизнинг жаноб" маъносини англатади.

Мазкур унвон етук олимлар, ҳуқуқшунослар, шоирлар исмига қўшиб ишлатилган. Лекин аниқроқ далилларга мурожаат этадиган бўлсак, **Мавлон** исми келиб чиқиши эҳтимол тутилган бошқа бир манбаъни кўрсатиш жоиз ҳисобланади. Бу Аллоҳ таолонинг **ал-Маула** – "худо" деган сифатидир. Диний Абдулмавла исмининг иккинчи қисмидаи **маулана** унвонининг олиб ташлашидаи **Мавлон** исми келиб чиққан. Ўзбек тилида **Мавлон** эндиликда "АЛЛОХ", "худо" деган маъноларни англатади-ки, бу **маулаша** ва **маула** сўзларининг бир-бири билан қаттиқ чатишиб кетиши натижасидир.

\* **МАДАЛИ.** Бу исм **Муҳаммад**нинг **Али** билан қисқарган шакллари қўшилувидан юзага келган. Мусулмонларда ўғил болаларга **Муҳаммад** саллаалоҳу алайҳи васаллам ҳурматига у зотнинг исмини қўйиш расм бўлган. Лекин кишини ажратиб турувчи белги сифатида хизмат қилиши учун **Муҳаммад** ўта кенг тарқалган исмлардан эди. Қадимда фамилия бўлмаган, ота исми фақатгина хужжатлардагина қайд этилар эди. Шунинг учун одамларни бир-биридан фарқлашда қўшалок исмлар бирдан-бир восита бўлиб хизмат қилган. **Муҳаммад** исмига бу улуғ зот билан у ёки бу даражада боғлиқ бўлган биронта исм қўшиб айтилган. Пайғамбаримизнинг амакиваччалари ва куёвлари **Али** бусиз ҳам ҳаммага ташиқли эдилар, бироқ **Муҳаммад** билан қўшилиб келганда янги исмдай кўринган. Жуда чўзиқдай туюлган **Муҳаммадали** исми аввал **Мамадалига** айланган, кейинчалик у яна ҳам ихчамлашиб бораверган.

Қарийб барча халқларда узун исмлар турмушда у ёки бу даражада ихчам шаклларга алмашган. Русларда ҳам **Александр**ни **Саша** ёки **Шура** дейишади. Албатта, **Александр** ёки **Дмитрий** бир қадар қулоққа ётмай, расмийдай чалинади. **Муҳаммадали** исмини қўллашда ҳам шунга ўхшаш нимадир кечган бўлса, эҳтимол.

\* **МАЛИК.** Араб тилидан таржимада “шоҳ, ҳукмдор” маъносини англатади. Ислом пайдо бўлгунга қадар ҳам арабларда “ҳоким, ҳукмрон” маъносига **Малик** исми мавжуд эди. Бундаги **а** товуши чўзиб талаффуз қилинарди. Бирок **малик** унвони бириктиб кетиш нажижасида бу исм араб бўлмаган халқларда қисқа **а** ли **Маликка** айланган. Баъзи тилларда **Малик** ўрнига **Мелик** деб талаффуз қилинади.

\* **МАЛИКА.** Арабча **малика** сўзининг маъносини изоҳлашга ҳожат бўлмаса керак. Бирок исм сифатида **Малика** атамадан эмас, балки қисқарган сўзли исмларнинг қисқарган шаклидан вужудга келган.

Ўрта асрларда ҳукмдор сулолаларнинг вакиллари икки, баъзан эса ундан ортиқ шакллардан тузилган, жарангдор, дабдабали исмларга эга бўлганлар. Масалан, салжукийлар сулоласидан бир **малика** **Маликахотун** деб аталган, ҳозирги Афғонистон ҳудудида XIII-XIV асрларда ҳукмронлик қилган Ҳурийлар хонадонидан икки **маликанинг** номи **Маликаи Жаҳон** ва **Маликаи Хуросон** бўлган.

\* **МАНСУР.** Ислом вужудга келгунга қадар даврлардаги арабча исм бўлиб, “музаффар, ғолиб” деган маънони англатади. Мусулмонлар даврида ҳукмдорлар, уларнинг вазирлари ва саркардалар кўпинча **ал-Мансур** фахрий лақабига сазовор бўлишган. Кордова халифалиги вазирларидан бири Оврупода **Альмансор** исми билан машҳур бўлиб қолганки, бу чинданам **ал-Мансур** фахрий унвони эди.

\* **МАРДОН.** Бу исмнинг луғавий таржимаси “эрлар” дир. Бирок шахс исмининг бундай маъно англатиши кишини ажаблантиради. Болага кўпчилик сондаги исми қўйиш нима учун зарур бўлиб қолганини? Ёки мазкур ҳолатда бирлик сондаги исм қўйиш одатига ҳилоф иш тутилдими? Мутлақо, одатдан қилча четга чиқилгани йўқ. Унда фараз қилиш мумкинки, бу фақат кўпчилик сондаги исм бўлмай, яна бош келишиктан ташқари бошқа бир келишикка дахлдор ҳам. **Мардон Мардон Фаррух** “эрларнинг қувончи”, **Мардоншод** — “эрларнинг севинчи”, **Мардоншоҳ** — “эрларнинг шоҳи” тоифасидаги қўшма таркибли исм бўлиши ҳам мумкин. Лекин **мардон** бўлакли **Мардонқули**,

**Алимардон** каби бошқа исмлар ҳам беихтиёр ёдга тушади. Форсча **мардон** ва туркча **қули** қандай ягона бирикма ҳосил қила олди экан? Ўзбек тилида улар англатган “эрлар қули” маъноси эса таажжубимизни яна-да оширади. Ахир, ким ўз боласини бировларнинг қули деб аташни истайди? Демак, бу ўринда **мардон** қандайдир бошқача тушунчани англатиши керак. Энди иккинчи исм – Алимардонни таҳлил қилиб кўрайлик. **Али-мардон** бирикмасини ҳам таржима қилиб бўлмайди: “Эрларнинг Алиси? Демак, бу ерда қандайдир сўз тушиб қолган бўлса керак, деган тахмин пайдо бўлади. **Али**нинг қанча сифатлари бор. Уни форсчасига **Шири худо** – “Худонинг шери”, **Шоҳи валоят** – “Қадамжолар шоҳи”, **Шоҳи мардон** – “Эрлар шоҳи” деб атаганлар. Ана кўрдигизми, **Алимардон** исми қаёқдан келган экан! Бу бутун бир жумладан иборат бўлган экан: **Алишоҳи мардон** – “Али – эрлар шоҳи”, истемолда қисқартириб **Алимардон** дейишган. Шунда **Мардонқули** исмининг маъносини ҳам тиклаш мумкин, демак у “Эрлар шоҳи Алининг қули” деган лўндагина жумладан иборат экан.

\* **МИРЗА**. Амир Темур замонасида айниқса кенг истемолда бўлган. У **амирзода**, яъни “амирдан туғилган” деган сўз бирикмасидан келиб чиққан. Ушбу сўзнинг билим, унвон ва шахс исми сифатида қўлланилиши учун соҳибкирон Амир Темурнинг шон-шарафига асқотган.

Ўрта Осиёга араблар келган дамдан буён улар билан бирга янги сўзлар ва тушунчалар ҳам кириб келди, **амир** сўзи ҳарбий саркарда ва умуман ҳукмдор маъносини англатган. Амирдан юқориси хон ҳисобланган. XIV асрда хонлар Эронга ўхшаш йирик мамлакатларни сўраганлар. Қаттиқ курашлардан сўнг ўз сиёсий фаолиятини унча катта бўлмаган аскарлар тўдасидан бошлаган Амир Темур бутун Ўрта Осиё устидан ҳокимиятнинг ўрқатишга муваффақ бўлган. Лекин янги ҳоким ўзини хон деб эълон қилмаган, чунки бундай унвонга одатда фақат Чингизхон авлодларигина сазовор бўлар эдилар. Темур эса мўғуллар доҳийси наслдан эмасди. Ҳатто Осиёнинг деярли тенг ярмини эгаллаб олгандан кейин ҳам Темур оддийгина амир унвони билан қаноатланиб қўя қолган. Албатта, бунинг замирида ўта камтаринлик ҳис-туйғуси эмас, балки маълум сиёсий ҳисоб-китоб ётар эди. У ўзи лашкар тўплаган кўмакчи қабилалар назарида

гўё на дабдабали унволлари, на емирилмас салтанати бўлган ҳарбий бошлиқ, балки ўша-ўша “ўзларининг амири” бўлиб кўришни хоҳлаган, холос. **Амир** унвони унинг исми билан шу қадар пайванд бўлиб кетганки, хали-хамон Осиёда уни **Амир Темур** деб айтишади.

Лекин амирлар ҳаддан ташқари кўп эди, уларни бир-биридан фарқлаш учун Темурнинг ўғиллари энди амир эмас, “амирлардан туғилган” — **амирзода** деб айтила бошлаган. Бу билан буюк фотиҳ авлодларининг олий мақомларига ишора қилингандек бўлган. Эндилликда унвонга, қарийб иккинчи исмга айланиб қолган бу сўз кўп истеъмол қилинаверганидан оҳанг таркибида ҳам бирмунча ўзгаришларни бошдан кечирган. Сўз бошидаги битта ва сўз охиридаги иккита товуш тушиб қолган. **Амирзода мирзога** айланган. Бошқа амирларнинг зурёдлари ҳам ўз исмларига **мирза** унвонини қўшиб айта бошлаганлар. Яна бирмунча муддатдан сўнг болалари туғилганда **Мирза** деб аташни одат қилганлар ва шу тариқа у шахс исмига айланиб қолган. Лекин иккита ва ҳатто учта сўздан иборат исмлар одатдаги ҳол саналганидан **мирза** унвонини **Мирза** исмидан ажратиш мумкин бўлмай қолган, бунинг устига араб ёзувида бош ҳарфлар йўқ. Шунинг учун кўпинча ҳақиқий **мирзани** ҳужжатларда унвонни такрорлаш билан ажратиб кўрсатганлар. Масалан, Мирза Муҳаммадни **амирзода Мирза Муҳаммад** деб айтиш мумкин бўлган. Бу билан гўё бу ерда **мирза** исм эмас, унвон эканлиги таъкидланган.

Ўрта Шарқ кўчаларида, бозорларда ҳозир ҳам ёзув қуролларини олдига ёйиб ўтирган хат битувчилар кўзга ташланади. Саводсиз одамлар кўпинча уларнинг олдига келиб, хожатларини раво қилиб кетишади; ким қариндошига хат ёздиради, ким ариза биткизади, ким ҳужжат тўлдирди. Мана шу хат битувчиларни ҳам **мирза** дейишади ва **мирза Муҳаммад**, **мирза Сафар**, **мирза Али** ва ҳ. к. деб чақиривади. Хат битувчиларнинг исмларидаги **мирза** исмга айланиб қолган ва шу билан ҳам аста-секин кўпинча маъно касб этиб, **мушши** “китоб” сўзининг турдоши бўлиб қолган.

**Мирза** — хат битувчи билан **мирза** — шахзодани бир-биридан фарқлаш зарурати шунга олиб келадики, Эронда хат битувчи ёки умуман зодагон бўлмаган одам исмига **мирза** қўшимчаси фақат исмининг бошида қўшиб айтила бошлаган. Масалан, **Мирза Хусайн**, шахзода исмида эса бу сўз доим исмдан кейин ай-



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi  
<https://kitobxon.com/oz/asar/4990> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ  
версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/4990>  
сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную  
версию можно найти на сайте  
<https://kitobxon.com/ru/asar/4990>